



ИНГЛИЗ ТИЛИ МУЛОҚОТ ДИСКУРСИДА МУРОЖААТ ШАКЛИДАГИ ЛЕКСИК-СИНТАКТИК ТУЗИЛИШЛИ ОПЕРАТОРЛАР

*Холматова Вазира Нарзуллаевна,
ҚарМIII тадқиқотчиси*

Таянч сўзлар: *инглиз тили, мулоқот, нутқ, прагматик мазмун, мурожаат шакли, do(don't) феъли.*

Инглиз мулоқот дискурсида do(don't) you know, do(don't) you see, do(don't) you hear, do(don't) you understand, do(don't) you remember, you know, you see, you understand турида лексик-синтактик қурилмалар кенг кўламда қўлланилади. Ушбу қурилмалар мурожаат кўринишга эга бўлиб, одатда, тасдиқ(you know, you see, you understand, etc) ёки савол шаклларига эга бўладилар. Тадқиқотчилар ушбу қурилмаларни анъанага биноан нутқий муносабатни ўрнатиш, белгилаш кўрсаткичлари қаторига қўшиб келадилар[1:21]. Баъзилар эса уларни суҳбатдошнинг нутқий хатти-харакатларини бошқариш воситалар сифатида қарашни маъқул кўрадилар [2:29].

Таҳлилни савол шаклидаги do(don't) you know, do(don't) you see, do(don't) you hear, do(don't) you understand, do(don't) you remember қабилидаги қурилмалар бажарадиган вазифаларни аниқлашдан бошлаймиз.

Маълумки, мурожаат саволларининг семантик структураси ўзига хос бўлиб, улар воситасида суҳбатдошнинг содир бўлган воқеага ёки ушбу воқеага берилаётган баҳога муносабати аниқланади[3:120]. Ҳақиқатан ҳам do you know шаклининг вазифаси ахборот сўровчи do you know that шакликидан фарқ қилади. Чунки “Менинг бундан хабарим йўқ, сен биласанми?” мазмунидаги саволда ахборотнинг янгилigi ва тингловчининг ундан беҳабарлиги пресуппозицияси назарда тутилади.

Нутқий тузилма таркибида прагматик мазмун ифодаси учун хизмат қиладиган ушбу қурилмаларнинг савол ёки

инкор шаклларида учраши айтиб ўтилди. Инкор шаклидаги қурилманинг таъкидлаш қуввати бирмунча кучли ва бу инкорнинг табиатига хосдир, у доимо оддий даракка нисбатан кучлироқ таъсир кучига эга. Таъкиднинг юқори даражада ифодаланиши сўзловчининг адресатдан уни тўғри тушунганини билиб олиш нияти билан боғлиқ [4:96]. Операторнинг инкор шакли, шунингдек, ҳайратланиш, ғазабланиш, асабийлашиш каби субъектив модаллик маъно оттенкаларини ҳам бериши кузатилади:

Don't you know, Mollie, every moment is a reflection of every moment that has gone before[5:124]; Between the rest of the world and us there's always been a curtain – like a Pullman curtain. Don't you remember that? [5:92]; Don't you understand, I was never jealous[5:86].

Санаб ўтилган операторлар қуйидаги прагматик вазифаларни бажаради:

1) айтилаётган ахборотнинг ҳақиқийлигига ишонтириш:

You had absolutely no right. Don't you understand? [6:103]; Don't you see, because he did that we can nail him... actually, he's nailed himself to the cross, hasn't he? [7:734].

2) адресатнинг ишончини инкор қилиб, уни фикридан қайтариш:

That's why I came here. – But don't you see, it's a mistake to feel Hicks and I are any sort of specialists in the area of God [8:155].

3) суҳбатдошнинг фикрига қатъий эътироз билдириш:

— He can refuse us permission to use it...



— But, don't you see, he said, that doesn't matter[9:117].

4) қатъий рад этиш:

— Let me pass.

— Hell with figures. Don't you see? [5:124].

5) эмфатик баҳони ифодалаш:

Voltaire, they are good guys, hear me? [10:392];

She is a genius, don't you see? [8:78].

Таҳлиллар кўрсатишича, мазкур операторларнинг гап структурасида эгаллайдиган ўрни уларнинг прагматик вазифасига таъсир қилади. Жумладан, бошланғич позицияда улар асосан адресат диққатини жалб қилиш билан боғлиқ фатик вазифани бажаради:

Do you know, we haven't seen a single bird since we left the house[9:259].

Ушбу операторлар гапнинг бошланғич ўрнида иккиланиш ҳиссиётига ишора қилувчи кўрсаткич вазифасини ҳам бажариши мумкин:

Do you know, began John hesitantly, you are much more sophisticated than I thought you were when I first saw you? [11:48].

Энг кўп учрайдиган бошланғич позицияда мазкур курилмалар савол маъносини йўқотиши ҳам кузатилади:

Do you know, I don't think Tamar cares at all about Jenkin; Do you know, Constance had a good figure[6:22].

Ўрганилаётган гуруҳдаги операторларнинг гап бошланишида атоқли от билан ифодаланган мурожаат билан бирикиши диққатни жалб қилади. Бундай ҳолда операторнинг прагматик вазифаси унинг мурожаат шаклига нисбатан тутган ўрни билан белгиланади. Бинобарин, мурожаатга нисбатан олд позицияни эгаллаган оператор, одатда, фатик вазифани бажаради:

Do you know, Miss Frost, it's a great comfort to have you here[6:202].

Оператор мурожаат шаклидан кейинги ўринда келганида эса нутқий тузилма прагматик мазмунига иллокутив куч даражасини ошириб, адресатга кучли таъсир ўтказиш вазифасини бажара бошлайди:

Miss Frost, do you know, you would make someone a very fine wife[6:201].

Лекин операторнинг савол-инкор шакли гапнинг бошланишида констатив нутқий актининг таъкид даражасини оширади ва тингловчини берилаётган хабар ҳақиқийлигига ишонтириш вазифасини ўтайди:

Don't you see, I can't face making love ever again[7:797]; Don't you understand, Ross, she looked like a little girl easy to handle and some of those old buzzards on the board, who don't know her very well – why they were rubbing their hands with glee[7:811-812].

Уюшиқ кўшма гаплар таркибида ушбу операторлар ўрта позицияни эгаллайдилар. Икки пропозициядан иборат гаплардан улар диққатни иккинчисига қаратишга ундайдилар, чунки бу қисмда кутилмаган вазият ҳақида маълумот берилади:

He trod in some dog- dirt on Tuesday, and do you know, he walked it round the house for 3 days[12:292].

Таҳлил қилинаётган бирликлар гапнинг тугалланиш позициясида адресатга сўзловчининг фикрига розилик билдириш талабини қўяди ва бунда инкор шаклининг қўлланиши тингловчига таъсир кучини оширади:

There was a time when all the boys had them - didn't you know? [10:211]; I could set myself up, don't you see? [13:100]; The important thing in life is to decide which risks are the ones worth taking, don't you agree? [14:268].

Шу турдаги операторлар ажралган ҳолда келишлари ҳам кузатилади ва бунда нутқ жараёнида коммуникатив таъкид юзага келади. Олдинги нутқий актнинг идрокини назоратга оладиган бирлик вазифасини фатик савол бажаради:

Number One Wife and me get on just great. Didn't you know? [10:485]; “Jake”, said Madge, I must have you with me. That was what it was all for. Don't you see? [9:279]; You shouldn't have done that, Marion. Do you hear? [6:104]; When I was big and you were little you needed me. Don't you remember? [5:125].



Бундан ташқари, мурожаат вазифасидаги *do(don't) you know* кўринишидаги қурилмалар *that* олмоши воситасида янги пропозицияни шакллантириши кузатилади:

You're priceless, do you know that? [7:753]; *And that's what he's trying to do with me and I'm trying to understand – do you see that, mother;* *I hate you. Do you understand that? I despise you*[14:417].

Савол семаси кўпинча *do* ёрдамчи феълининг иштирокисиз фаоллашадиган қурилмаларда ҳам сақланиб қолади:

He's staying behind, you know?; *You got one hell of a big mouth, Lizzie, hear me?* [10:395]; *We used to say they'd one good hand between them, remember?* [10:249]; *She walks out on him, imagine?* [10:243].

Юқорида эслатилган шаклдаги қурилмаларнинг нутқий тузилма таркибида ажратилган ҳолда қўлланиши, уларнинг вазифасини ўзгартирмайди:

We thought of it as being simply one more example of our freakishness... And we may have been right at that. You know; *You must telephone the police. I don't have to be involved. You understand?* [9:473]; *I agree... but that's all I get out of it. See?* [15:131].

Худди шу турдаги операторларнинг *that* ва *it* олмошлари ёрдамида янги пропозицияни шакллантириш имконияти ҳам нутқ жараёнида воқеланади:

That was a very bad thing you did to little Charlie, you know that?[10:423]; *I screamed all the way down the street; "It's my quadge-my quadge. Get it?"* [5:107].

Тасдиқ шаклидаги мурожаат лексик-синтактик қурилмалар гуруҳини *you know, you see, you hear, you understand* бирикмалари ташкил қилади. Ушбу қурилмаларнинг мулоқот матнида қўлланишини, одатда, суҳбатдош диққатини тортишга йўналтирилган мурожаат вазифаси билан боғлайдилар, алоҳида ҳолатларда ушбу операторларнинг берилаётган хабарнинг муҳимлигига ишора қилиши қайд этилади. Лекин ушбу предикатларнинг қўлланиши хабарнинг ростлигига берилаётган баҳони ошириши ҳам кузатилади. Маъқули, айрим тилшуносларнинг ушбу операторларнинг

пропозиция модал мазмунига тўғридан-тўғри таъсир ўтказмаслиги ҳақидаги фикрига таянишдир[16:9]. Сўзловчи, ушбу бирликлардан фойдаланаётиб, гап пропозиция доирасидан чиқади ва метакоммуникация усулида айтилаётган фикрга нисбатан ўз муносабатини тингловчига етказди[16:16]. Шунга биноан, тасдиқ шаклидаги мурожаат қурилмалари адресат тафаккур доирасига таъсир қилиб, констатив нутқий акти мазмунини қатъийлаштиришини қайд этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Қайд этиш лозимки, мазкур гуруҳга оид бирликларнинг нутқий тузилма прагматик мазмуни шаклланишидаги роли кўп жиҳатдан уларнинг тузилма таркибида эгаллайдиган ўрнига боғлиқ. Ҳарҳолда, операторларнинг бажарадиган вазифаси асосан прагматик ва фатик хусусиятга эга.

Гапнинг бошланиш қисмидан ўрин оладиган *you see, you know, you hear, you understand* каби воситалар қуйидаги прагматик вазифаларни бажарадилар:

1) констатив нутқий акти мазмунидаги таъкид маъносини юмшатиш. Бунда улар, масалан, *I'm sorry to say, but шаклини олиб, хурмат кўрсаткичига айланиши мумкин. Бирок, you see, you know* операторларнинг фаоллашуви кўпчилик вазиятларда сўзловчининг етказаетган хабари тингловчига салбий таъсир кўрсатишига ишониши билан боғлиқ:

You see, *I must be alone in the way one can be in what you called hell*[9:363]; *You know,* *father, I can't help thinking there was something wrong about the advice you gave me*[17:218]; *You understand,* *what you said at the beginning wasn't entirely off the point*[9:467].

Ушбу турдаги операторлар, шунингдек, эътирознинг таъкидсиз билдирилишига замин яратади[18:96]:

— *I wasn't keeping her a prisoner.*

— *You know,* *in a way you were*[9:519];

Emily: I figure that it's just the way a person's born.

George: Yeah. But you see, *I want to be a farmer, and my uncle Luke says*



whenever I'm ready I can come over and work on his farm and if I'm any good I can just gradually have it[19:27].

2) Ҳар қалай, алоҳида вазиятларда you know оператори гапнинг бошланишида констатив нутқий акти мазмунини таъкидлаш воситаси хизматини ўташи ҳам кузатилади:

You know, Gulliver still hasn't found a job[9:210]; You know, I gave up smoking 36 times[8:120].

Бундай пайтда I know оператори адресатга маълум даражада билвосита бўлса-да, хабарнинг ҳақиқийлигига ишонч мавжудлиги маълум қилади. I know бирикмасининг ушбу вазиятдаги вазифаси "let me assure you" қурилмасиникига яқинлашади.

Бир гуруҳдаги you know ва you see операторлари коммуникатив вазифаси жиҳатидан баъзи фарқларга эгадир ва бу фарқ бирикмалар таркибидаги феъллар семантикаси билан шартланади. You know бирикмаси тингловчини берилаётган ахборотнинг янгилиги ҳақида огоҳлантириб, таъкидни кучайтира олади. Бундан ташқари, you know бирикмаси аччиғланиш, эътироз билдириш каби субъектив модал маъноларни ҳам ифодалаш имкониятига эга:

You know, that Gordons are expecting us.

Why don't we go over there and forget this whole thing[8:38].

You see оператори эса нутқий тузилманинг бошланишида келиб, констатив нутқий акти мазмунидаги таъкидни сусайтиради. Аммо баъзи вазиятларда у адресатнинг кўриш имкониятига ишора қилиши ҳам учрайди:

You see, there you go again. Exaggerating, imagining things [7:493]; You see, the hills and that boy, they attract the water, and one expects rain at this time of year anyway[17:15].

Икки операторнинг ҳам нутқий тузилма бош қисмида воқеланадиган фатик вазифаси қуйидагиларда намоён бўлади:

1) мулоқотдош билан алоқа ўрнатиш ва унинг диққатини жалб қилиш:

You know, when someone you love dies, you think you'll never get over it, but you do [17:304]; You see, Jewish men are very family conscious[20:89].

Бундай вазиятда оператор адресатга тўғридан-тўғри мурожаат воситаси билан бирикиши мумкин:

You know, Blake she is trouble for us[8:12].

2) суҳбатни янги мавзуга кўчириш:

— So he thinks you're not frightened? He's right you're not, are you? But there are other ways - he's right about that too. — You know, I've been looking at this hut, sizing it up;

— I'll shout.

— Do that. You see, I'm thinking of resigning from the dear old office[9:396].

3) нутқ жараёнидаги паузани тўлдириш:

You know, your mother mentioned something about Ireland too late night[7:610];

Gliff: I said: What is it?

Alison: You see — (hesitates) I'm pregnant[21:46].

Мурожаат шаклидаги лексик-синтактик қурилмалар маълум турдаги вазифалар бажаришини инобатга олганда, уларни таъкид маъносини ифодаловчи кўрсаткичлар қаторига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу бирликлар констатив нутқий акти тузилишида ўзига хос жойни танлаб, асосан икки вазифани, яъни фатик ва прагматик вазифаларни бажаради. Уларнинг прагматик имкониятлари икки қарама-қарши йўналишда намоён бўлади: биринчисида таъкид прагматик маъноси кучайса, иккинчисида ушбу маъно сусаяди. Лексик-синтактик қурилмаларнинг бажарадиган вазифаларидаги ўзгаришлар бевосита уларнинг нутқий тузилма таркибида эгаллайдиган ўрни билан боғлиқ. Гапнинг бошланғич қисмида улар асосан фатик мурожаат вазифасини бажариб, таъкидни юмшатиш учун хизмат қилсалар, охириги қисмдан оладиганлари эса таъкидни янада қатъийлаштириш вазифасида



фаоллашадилар. Ушбу қуримларнинг гапнинг ўрта қисмида қўлланишида прагматик ёки фатик вазифанинг вокеланиши уларнинг нутқий тузилманинг

қайси бўлагига тегишлилиги билан белгиланади. Мурожаат лексик – синтактик қуримлари савол ва тасдиқ шаклларида намоён бўладилар.

Адабиётлар:

1. Чхетиани Т.Д. Лингвистические аспекты фатической метакоммуникации: Автореф. –Киев., 1991. – 24с.
2. Купряшкина С.В. Управление речевыми действиями собеседника в диалоге. Вестник КГУ. – Вып. 22. -1998.- с 27-30.
3. Athanasiadon A. The discourse function of questions. Pragmatics, 1991. vol. 1(1). –p 107-122.
4. Crystal D., Davy D. Advanced Conversational English. –L.: Longman, 1999.-132p.
5. С. McCullers. The square Root of Wonderful. Modern American Plays. –Leningrad: Prosvescheniye, 1981. -71-133 p.
6. J.P. Donleavy. The Ginger Man. –Penguin Books, Harmondsworth, 1988. -345p.
7. B.T. Bradford. Hold the Dream. – Panther books. Granada Publ. L., 1995. -831p.
8. E.V. Cunningham. Helen. –Pan Books., L., 1988. – 174p.
9. I. Murdoch. Under the Net. – Granada Publ., L., 1993. – 607p.
10. J. Le Carre. The Honourable School-boy. – Pan Books, L., Sydney, 1988. -543 p.
11. F.S. Fitzgerald. Selected Short Stories. –M.: Progress, 1979. -357 p.
12. K. Waterhouse & W. Hall. Billy Liar. Modern English Plays. – M: Progress., 1986, - p233-355.
13. D. Rudkin Afore Night Came. New English Dramatists. – Penguin Books., Harmondsworth, 1983. – 73-140 p.
14. S. Sheldon. Master of the game. – Pan Books, L., 1983. – 430 p.
15. J.D. Salinger. The Catcher in the Rye. – Bantam Books., L., 1991. – 192 p.
16. Ostman J.O. You know: A Discourse Functional Approach. – Amsterdam: J. Benjamin, 1991. – 92 p.
17. W.S. Maugham. Collected Short Stories. – V. 1. – Penguin Books, Harmondsworth, 1982. – 441 p.
18. Holmes J. Modifying Illocutionary Force. Journal of Pragmatics. 1996. – 345-365 p.
19. Th. Wilder. Our Town. Modern American Plays. – Leningrad, 1981. – 11-70 p.
20. J. Suzann. Valley of the dolls. – Tip-tree, Essex, 1995. – 510 p.
21. J. Osborne. Look Back in Anger. Modern English Plays. – M.: Progress., 1986. – 27-142 p.

Kholmatova V. Lexical-syntactical structured operators in the form of appealing in the English communication discourse. In the article the researcher's scientific investigations and opinions about lexical-syntactical structured operators in the form of appealing in the English communication discourse, serving for the expression of pragmatic meaning in the structure of speech structure are enlightened.

Холматова В. Лексико-синтаксические структуры в форме заявки в английском разговорном дискурсе. В статье описываются лексико-синтаксические сочинения исследователей и научные открытия в диалогах на английском языке, которые служат выражением прагматического содержания в структуре правописания.